

Аъзолар шукри



07:40 / 13.04.2019 3420

Муҳаммад ибн Ҳонеъ бир шеригидан ривоят қилинади:

«Бир киши Абу Ҳозимдан сўради:

- Кўзнинг шукри нима?
- Яхшиликни кўрганда эълон қилиш, ёмонликни кўрганда эса яширин.
- Қулоқнинг шукри нима?
- Яхшиликни эшитганда сақлаб қолиш, ёмонликни эшитганда эса яшириш.
- Қўлнинг шукри нима?
- Ўзингники бўлмаган нарсага узатмаслик ва ундаги Аллоҳнинг ҳаққини ман қилмаслигинг.

- Қориннинг шукри нима?

- Пастки қисми таом, юқори қисми илм бўлишидир.

- Фаржнинг шукри нимада?

- Аллоҳ таоло айтганидек, **«Улар авратларини ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагиларидан (чўриларида) бошқалардан (зинодан) сақлайдилар. Улар маломат қилинмаслар. Кимки бунинг аксини (зинокорликни) истаса, улар ҳаддан ошувчи кимсалардир»** (Маъориж сураси, 29-31-оятлар).

- Оёқларнинг шукри-чи?

- Агар бу дунёдан ўтиб кетган, ўзинг ҳавас қиладиган бирор кишини билсанг, унинг қилиб ўтган иши каби амал қилиш учун оёқларни ишлатишинг. Бу дунёдан ўтиб кетган, ўзинг нафратладиган бирор кишини кўрсанг, Аллоҳга шукр қилган ҳолда, унинг амалидан оёқларингни тўсишингдир. Кимда-ким тили билан шукр қилиб, бошқа аъзолари билан шукр қилмаса, бундай одам кийими бўла туриб, уни киймай, бир учидан ушлаб олган ва натижада кийими уни иссиқ-совуқдан, қор-ёмғирдан сақланмаган кишига ўхшайди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан